

Муфтий Нуриддин домла дин ва қардош халқлар равнақи йўлида муҳим тавсияларни илгари сурдилар



17:51 / 20.10.2022 930

Кеча, 19 октябрь кунин Озарбайжоннинг Боку шаҳрида Туркий давлатлар муфтийларининг III-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Ҳолиқназаров, Кавказ мусулмонлари идораси раиси, Шайхулислом Оллоҳшукур Пошозода, Туркия диёнат ишлари бошқармаси раиси, доктор Али Эрбош, Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси, бош муфтий Наврўзбой ҳожи Тағанули, Туркменистон муфтийси Ялқоб ҳожи Хўжакелдиев ва Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Бағдод Амреев ҳамда бир қатор мутасаддилар иштирок этди.

Анжуманда муфтий Нуриддин домла Туркий дунёнинг диний идоралари ўртасидаги алоқаларини мустаҳкамлаш, глобал муаммоларга биргаликда ечим топиш ва Ислом дини софлигини асраш борасидаги имкониятларни бирлаштириш бугунги кунда жуда ҳам муҳим эканини таъкидладилар. Шунингдек, бугунги фитналар, бузғунчи ғоялар ва ахборот хуружлари авж олган бир пайтда глобал таҳдидлар қаршисида Туркий дунё халқлари бирдамликда муаммоларни бартараф қилишга жидду жаҳд қилишлари кераклигини урғуладилар.

Шу билан бирга Имом Мотуридий таълимотини чуқур тадқиқ этиш ва кенг ёйишга бағишланган Туркий давлатлар уламолари Форумини 2023 йилда Ўзбекистоннинг қадим Самарқанд шаҳрида ўтказиш таклифини тақдим этди.

Йиғин давомида Туркий давлатлар диний идоралари раҳбарлари сўз олиб, айна кунда ечимини кутаётган муаммолар, уларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш ва ҳозирги даврдаги таҳдидларга қарши биргаликда курашиш зарурлиги тўғрисида сўз юритдилар.